Ушбу сонда:

2 «Ишонч» фош этади «БЕКИНМАЧОҚ ЎЙИНИ» СИРИ

3 МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПГАНЛАР

4 ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN · ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 8 август, чоршанба № 122 (1136)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН СИҲАТГОҲ

Республикамизда Оналар ва болалар йили муносабати билан улар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва туманларида волида ва фарзандга хизмат кўрсатувчи кўпгина соғломлаштириш муассасалари иш бошлади.

Бешариқ туманида ҳам оналар ва болалар санаторийси қурилиши жадал бормоқда. Ушбу даво масканини «Қўқонагроқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли қурилиш ташкилотлари бунёд этишмоқда. 120 ўринга мўлжалланган мазкур муассасада ҳозиргача теннис майдони ва болалар учун иккита синфхона қуриб битказилди. Сиҳатгоҳда пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари август ойининг охиригача тугалланиб, уни мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Суратларда: моҳир пайвандчи Комил Норматов; оналар ва болалар сиҳатгоҳининг умумий кўриниши.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Шу сонга хабар

Андижон вилояти Асака туманида «оқ олтин» йиғим-терими бошланди. Туман деҳқонлари ишлаб чиқаришнинг илғор услубларидан фойдаланиш, ширкат хўжаликларини ривожлантириш, оила пудрати туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда йилдан-йилга юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Ҳозир ҳам мўлжал юқори - мўл ҳосил бунёдкорлари Мустақиллик кунигача давлатга пахта топшириш режасини уддалаш ниятида. «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалигидаги теримчилар Орзухон Маҳамматова ва Соҳибахон Холбўтаева кунига 100-120 килограммдан пахта термоқда.

(ЎзА).

ФЕРМЕРЛАР МАКТАБ ҚУРДИ

Конимех туманидаги «Шўркўл» ширкат хўжалигида Я.Ўтепов номидаги ўрта мактабнинг филиали фойдаланишга топширилди. Янги билим даргоҳи «Тошбиби» ва «Одил» фермер хўжаликлари раҳбарлари Тошбиби Қўлдошева ҳамда Яндаш Йўлдошевнинг ташаббуси ва беғараз ёрдами билан ишга тушди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Иккала фермер ҳам чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Ўз техникасига эга. Улар даромадларининг бир қисмини мактаб қурилишига ажратди. Кези келганда техника ва ишчи кучини аямади. Қолаверса, «Шўркўл» ширкат хўжалиги раҳбарияти, маҳалла оқсоқоллари, жамоатчилик ҳам қараб тургани йўқ. Натижада қисқа вақтда «Мамиқчи» қишлоғида бошланғич синф ўқувчилари учун мактаб қуриб битказилди.

ФАБРИКА ТЕНДЕР ҒОЛИБИ

Косонсойдаги пойабзал фабрикаси ҳиссадорлик жамияти Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари ўтказган тендерда ғолиб чиқиб, жами 162 миллион 5 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш учун буюртма олди.

- Дастлаб қийинчилик ва муаммолар кўп бўлди, - дейди бошқарув раиси Баҳодир Тошматов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Таҳлиллар шуни кўрсатдики, бозор, харидор талаби яхши ўрганилмай омбор учун маҳсулот ишлаб чиқараверган эканмиз. Боз устига тўқсонинчи йилларга келиб Россиядан келтириладиган хомашё таъминотида узилиш пайдо бўлди. Натижада фабрика банкротлик ёқасига келиб қолди.

Б. Тошматовнинг айтишича, корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, биринчи навбатда чет эл технологияси асосида ишлайдиган агрегат сотиб олинди. Тажрибали мутахассислар ва ғайратли ёшлар ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Натижада маҳсулот сифати кескин яхшиланди ва харидоргир пойабзаллар сотувга чиқарилди. Ўтган йил якунидан эса, корхонада меҳнат қилаётган 197 нафар ишчи-хизматчининг ҳар бири ўз кучига, имкониятига тўла ишонч ҳосил қилди. Ойлик маош ўртача 18 минг сўмга етиб, акциядорлар дивидентга ҳам эга бўлишди.

- Ҳадемай болалар оёқ кийимини ҳам ишлаб чиқара бошлаймиз. Ана шунда корхонамиз нуфузи янада ортади, - деди сўзининг якунида Б. Тошматов.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

Янгиқўрғон марказида жойлашган супермаркет минимаркетга айлантирилди.

Супермаркетнинг минимаркетга айлантирилишининг муҳим сабаби, - дейди савдо шаҳобчаси директори С.Мамажонов. — Ҳисоблаб кўрсак, ижара ҳақи учун кўп маблағ сарфлаётган эканмиз. Иккиламчи, эндиликда ортиқча дабдабага ўрин қолмади. Жамоа билан маслаҳатлашиб, шу қарорга келдик.

Дарвоқе, минимаркетнинг қулай томонлари кўп. Бозорга мослашувчандир. Харидор талаб қилган маҳсулот тез кунда пештахта юзини кўради. Саккиз юз нафар одамга намунали хизмат кўрсатаётган дўкон хизматчилари ойлик режаларини ортиғи билан бажармоқдалар. Ойлик касса режасининг 300 минг сўм ўрнига 700 минг сўмдан ошириб бажарилиши фикримизнинг далилидир. Шу боис жорий йилнинг олти ойида товар айланмаси 9 миллион 200 минг сўмдан ошди.

«Янгиқўрғон» минимаркети жамоаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиш билан бирга савобли ишга ҳам қўл урди. Олти нафар ногиронга уйида хизмат кўрсатила бошланди.

Мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида тезкор хизмат кўрсатадиган қаҳвахона ва «COCA COLA» компаниясининг дистрибюторлик маркази ишга туширилади.

Болалар ёзи — катта имтиҳон

ҲАМ ДАМ ОЛИБ, ҲАМ ДАВОЛАНИБ...

Жиззах шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси болаларнинг ёзги дам олишини сермазмун ўтказиш учун бор имкониятларини ишга солишмоқда. Бу борада, айниқса, кундузги оромгоҳлар ниҳоятдаа қўл келмоқда.

Ана шундай масканлардан бири Абдулла Қодирий номидаги давлат педагогика институтининг «Педагог» санаторий-профилакторийси қошида ташкил этилди. Унинг шаҳардаги мактаблар қошида ташкил этилган турдош оромгоҳлардан фарқи шундаки, бу ерда болажонларимиз кўнгилли дам олиш билан бирга даволанадилар ҳам.

— Бу йил 300 нафар ўғил-қизни соғломлаштириб, дам олдиришни режалаштирганмиз, — дейди бош шифокор Бердиёр Алиев. — Ўтган йили эса 250 нафар болани дам олдирган эдик. «Оналар ва болалар» йили муносабати билан ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, даволанувчилар сонини кўпайтиришга аҳд қилдик. Фарзандларимиз бу ерда электрофорез, ингаляция, УВЧ ва турли шифобахш воситалар ёрдами билан даволанадилар.

Уларга тажрибали шифокор ҳамда ҳамшираллар тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Ота-оналар ўз фарзандлари учун ҳар бир йўлланмага 270 сўм, яъни йўлланма умумий қийматининг фақатгина беш фоизини тўламоқдалар. Маблағнинг қолган 75 фоизи ижтимоий суғурта, 20 фоизи эса касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан қопланмоқда.

«Педагог»дан қайтар эканмиз, қалбимизда қандайдир бир илиқлик сездик. Бу — фарзандларимиз кўзларида порлаган қувонч шуълалари таъсиридан эди.

Шавкат ЁҚУБОВ.

Мавзуга қайтиб

Газетамизнинг 2001 йил 27 март сонида «Найранг фош этилди» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Сирдарё сув қурилиш трестига қарашли «Толибжон» фермер хўжалиги раҳбари Асатулло Холбековнинг ишлаб чиқариш жараёнида фожеали ўлими-ю, унинг оиласига мутасаддилар муносабати ҳақида бонг урилганди.

ЕТИМЛАР ҲАҚИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Газета чиқишидан сўнг «Мирзачўл» механизациялашган кўчма жамланмаси раҳбарияти томонидан йўл қўйилган хатолик трест томонидан тан олинди. Рост-да, марҳумнинг 22 ёшли ўғли Дилшод Холбековни лаққа туширгани, отангнинг хуни дея «Камаз-5320» русумли 12 АЕ 662 давлат белгили автомашинани 418000 сўмга сотгани ғайриқонуний ҳаракат эканлигини ким ҳам билмасди, дейсиз. Гапнинг очиғи, кўчма жамланма мутасаддилари гарданларидаги 842490 сўмлик товон пулини тўлашдан қочиб, нималарни ўйлаб топишмади. Бироқ, қинғир ишнинг қийиғи бир кунмас, бир кун барибир чиқар экан. Охир-оқибатда улар найранги фош этилди, юзлари шувут бўлди.

— Мақола чиққанидан кейин кўчма жамланма раҳбарлари ҳузурларига чақиришди, - дейди Дилшод Холбеков. - Улар узр-маъзур сўраб, товон пулини албатта тўлаб беришларини айтишди. Ҳатто, унинг 200 минг сўмидан қутулишди ҳам. Қолганини кейинроқ оласиз, дея қуюқ ваъда беришганди. Аммо...

Афтидан қурилиш корхонасидаги тўралар қор ёғса, излар босилар қабилида иш юритишмоқчи бўлишган чоғи. Қолган қарзни узиш аччиқ ичакдек чўзилиб кетди. Баҳона эса тайёр — ҳисоб рақамида маблағ йўқ. Ўзлари ҳам оғзиларини шамолга очиб ўтиришганмиш.

Ваҳоланки, вилоятнинг ишонган трестларидан бирида аҳвол шундайлигига сира ишонгинг келмайди. Қолаверса, раҳматли Асатулло Холбеков жамоа иши учун ҳамма нарсага тайёр эди-ку. Бинобарин, унинг руҳини шод этиш, оиласига, фарзандларига беминнат ёрдам кўрсатиш трест раҳбарларининг инсонийлик бурчи эмасми? Трест ташкилотларида техника хавфсизлиги қоидаларига етарлича маблағ ажратилганида, электр токидек хавфли ишга малакали мутахассис жалб этилганида бир инсон умрига зомин бўлинмасди. Шунча оворагарчиликлар, товон пули тўлашга ҳам ҳожат қолмаган бўларди. Бугун ёрдамдан бўйин товлаётганлар ана шу оддий ҳақиқатни ўз таналаригa бир ўйлаб кўришса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Яна бир гап, жудоликда ўртанган оила ўрнига бир зум ўзларини қўйиб кўришганда, масалага муносабат ҳам ижобий томонга ўзгарармиди?!

Қисқаси, Сирдарё сув трести, Мирзачўл механизациялашган кўчма жамланма раҳбарларига айтар гапимиз шу: Эзгу ишга бел боғлабсиз, у чала қолмасин. Ахир, бутун бошли трест етимлар ҳақига хиёнат қилса адолатдан бўлмас.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилганди

ТАДБИРКОР - ЮРТ ТАЯНЧИ

Эски тизимдан фориғ бўлиб, ўзимиз танлаган йўлдан бораётганимизга ҳам ўн йил тўлди. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, иқтисодимизнинг равнақ топишида кичик ва ўрта бизнеснинг ривожи алоҳида аҳамиятга молик. Бугун ишлаб чиқаришнинг қайси жабҳасига назар солманг, тадбиркорлик ва ишбилармонлик самараларидан кўнглингиз равшан тортади. Афсуски, бу йўлда ҳам айрим тўсиқларга дуч келинмоқда.

зеро, унинг фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашиш ва ноқонуний текширишларга барҳам бериш керак

Андижон вилояти адлия бошқармаси тадбиркорликка оид қонунчилик ижросини таъминлаш мақсадида жойларда бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда мунтазам равишда рейдлар ўтказаяпти. Уларда қонун бузилиш ҳолатлари ҳамон давом этаётганлиги аниқланмоқда. Тадбиркорлик фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашишлар 2977 марта содир қилингани ҳам ҳали бу соҳада талай ишлар қилиниши лозимлигидан далолат беради. Айниқса, туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳанузгача тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда амалдаги қонунларда белгиланган муддат ва тадбирларнинг бузилиши, фермер хўжаликларига ер ажратиш тартибларига риоя этмаслик, тадбиркорлик субъектларининг маблағларини уларнинг розилигисиз турли йўналишларга жалб этиш, мурожаатларни қонунчиликда белгиланган муддатда кўрмаслик ва бошқа бир қатор нуқсонлар таажжублантиради, кишини.

Бу нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида неча бор айтилганлиги ёки ёзма равишда кўрсатмалар берилганлигига қарамай айрим раҳбарларнинг бепарволиги, амалдаги қонун талабларини билмаслиги ўз ишига ўта масъулиятсизлиги оқибатида кичик ва ўрта бизнес манфаатларига зарар етмоқда.

Шундай бир пайтда айрим туман ва шаҳар ҳокимликларининг аксариятида ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар йўқлиги ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли қарорига кўра, ҳар бир туман, шаҳар ҳокимликларида ҳуқуқшунос-маслаҳатчи ўрни жорий этилиши қатъий белгилаб қўйилган. Қонунни билмаслик кўпинча тадбиркорлар фаолиятини асоссиз текширишларга йўл очиб бермоқда.

Бир мисол. Жорий йилнинг олти ойида адлия бошқармаси томонидан 121 та ноқонуний текшириш тўғрисидаги аризалар ўрганиб чиқилди. Уларнинг аксарияти ўз тасдиғини топди. Жумладан, Пахтаобод туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказишга рухсат олиш тартибини бузган ҳолда 11 марта амалдаги қонунларга зид иш тутишган.

Ёки Олтинкўл туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази мутахассиси Маҳмудова савдо-сотиқ билан шуғулланувчи тадбиркор М.Ёркуловга тегишли тижорат дўконида мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз ноқонуний текшириш ўтказган. Ушбу ҳолат бошқарма ходимлари томонидан ўрганилганда М.Ёркуловлар ҳамон учраб турганлиги кечирилмас ҳолдир. Тадбиркорлардан келаётган аризаларда асосий эътироз — субъектларга кредит ажратиш тартибларига, ҳужжатларни расмийлаштиришга риоя этмаслик ҳолатлари бот-бот тилга олинади. Бу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида адлия бошқармаси Тошкент шаҳар адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар чоршанбасида барча ташкилотларнинг мутасаддилари иштирокида банкларда очиқ эшиклар куни ўтказилмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида ислоҳотнинг янада жадаллашуви кўп жиҳатдан бу жойларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ва фермер хўжаликларининг саъй-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ. Буни бозор иқтисоди шароити талаблари ҳам кўрсатмоқда. Шундай экан, маҳаллий ҳокимият органларининг фермер хўжаликларининг ички фаолиятига аралашишини қандай тушунмоқ керак?! Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунида фермер хўжаликларининг фаолиятига ноқонуний аралашиш мумкин эмаслиги, шартномалар тузишда улар эркин эканликлари алоҳида банд билан белгилаб қўйилган. Амалда, эса айрим раҳбарлар унинг ижросини таъминлашда тўғаноқ бўлиб турибди.

Қонунни билмаган панд ейди, деган гап бор. Бўз тумани ҳокимлиги қонун талабларига зид иш тутган ҳолда фермер хўжаликларининг янги ташкил этилган 5 та ширкати орқали жорий йил ғалла ва пахта ҳосили учун контрактация шартномалари тузишга ҳаракат қилган. Бундай ноқонуний ҳаракатлар, амалдаги қонунларга риоя қилмаслик ҳолатлари фермерлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, жамоа хўжаликлари тугатилиб, ширкат хўжаликларига айлантирилганига 2-3 йил бўлганлигига қарамай, ҳанузгача оила пудратчилари билан чек дафтарчалари асосида иш юритилиши тўғри йўлга қўйилмасдан келинаётганлиги ҳам жойлардаги айрим мутасаддиларнинг амалдаги қонунлардан бехабар эканлигини кўрсатади!

Асосийси, қонун бузилишларни ва камчиликларни бартараф этиш мумкин, лекин уларнинг қайта такрорланмаслигини таъминлаш учун нималарга эътибор бериш керак, деган масала бошқарма ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг бош мақсадига айланмоғи даркор. Ана шундан келиб чиқиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида алоҳида гуруҳлар ташкил этилди. Улар ҳар куни жойларга чиқиб, тушунтириш ишларини олиб бораяпти. Шунингдек, бошқарма қошида мутахассислар ўқуви иш бошлади. Ҳуқуқшунослар, илмий текшириш интитутларидан мутахассислар келиб машғулотлар ўтказишмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашда муҳим омиллардан бири бўлиб қолади, деган умиддамиз. Зеро, уларнинг эзгулик ишлари силсиласида юртимизнинг истиқболи, фаровонлигимизнинг таянчи мужассамдир.

Авазбек ЮСУПОВ, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи. Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири.

КЎП МИЛЛАТЛИ МАҲАЛЛА

Тошкентнинг Акмал Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган «Миллатлар дўстлиги - халқлар бойлиги» мавзуида анжуман ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Байналмилал маданият маркази, Халқ бирлиги ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда турли миллат вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро, у қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, истиқлолимизни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозимлигини таъкидлади.

Ўзига хос байрам тусини олган анжуманда катта концерт дастури намойиш этилди.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан

ЕТТИ ИҚЛИМНИ БИРЛАШТИРГАН БОҒ

Қадим Термизнинг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳардаги ҳайвонот боғи тубдан қайта таъмирланмоқда. Жонзотлар тури ва сони кўпайтирилди. Келажакда бу ер шаҳарликлар ҳамда меҳмонларнинг нафақат томоша маскани, балки севимли дам олиш жойига ҳам айланади. 22 гектарли боғнинг катта қисмида дарахтзор, ҳовуз ва бошқа оромгоҳлар бунёд этилмоқда.

Қисқа вақтда ҳайвонлар тури 124 тадан 152 тага, сони эса 216 тадан 339 тага етказилди. Бу рўйхатдан етти иқлим даррандаю паррандалари жой олган.

(ЎзА).

БИРДАМЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Тошкент шаҳар қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси тасарруфида 175 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар таркибига 31750 нафар аъзо бирлашган. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш қатъий жамоа шартномалари асосида олиб борилмоқда. Фақат жорий йилнинг олти ойида сиҳатгоҳларга салкам 11 миллион сўмлик, дам олиш уйларига 18 миллион 742 минг сўмлик йўлланма берилди. «1-қурилиш комбинати» ҳиссадорлик жамиятига қарашли профилакторийга 10 миллион сўмлик маблағ ўтказилди. Бунинг эвазига меҳнаткашлар навбатдаги меҳнат таътиллари даврида даволанмоқдалар. Йўлланма нархи 24 минг сўм бўлиб, унинг тўланадиган 30 фоизи 7200 сўмни ташкил этади. Ишчиларга янада енгиллик яратиш мақсадида маъмурият 3600 сўмни ўз ҳисобидан тўлаб келмоқда. Йўлланма эгаси эса бор-йўғи 3600 сўм сарфлаган ҳолда даволаняпти.

Болаларни соғломлаштиришга мўлжалланган 4-қурилиш, 1-Тошкент уй қурилиш, Тошкент тажриба-механика заводи ҳиссадорлик жамиятларига қарашли оромгоҳларда 1 ва 2-босқичнинг ўзида 2351 нафар ўғил-қиз мириқиб яйрашди. Уларнинг 480 нафарини Қорақалпоғистондан келган болалар ташкил этади. «Булоқча»да дам олаётган 100 нафар оролбўйилик мактаб ўқувчилари 4-қурилиш трести

Касаба уюшма ишчи таянчи

ҳиссадорлик жамияти томонидан спорт кийимлари билан сийландилар. Айниқса, уларнинг бир неча миллат ва элат вакиллари билан тезда тил топишиб, дўстлашиб кетиши кишининг ҳавасини келтиради. Жамоа шартномасига асосан 300 нафар кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари оромгоҳларда бепул дам олдирилди.

Оромгоҳларда кўчма кутубхона ҳамда маънавият ва маърифат бурчаклари ташкил этилган. Шаҳар касаба уюшма қўмитаси уларга 53 минг сўмлик турли киқиз эса «Қизилсой»да дам олишди. Ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда спортнинг аҳамияти катталиги маълум. Шуни ҳисобга олиб, Митрафанов номли сув спорти саройига 837 та чипта бепул тарқатилиб, шулардан 536 таси хотин-қизларга берилди.

Меҳнат сулолалари билан учрашувлар пухта тайёргарлик билан ўтказиб келинмоқда. Узоқ йиллардан буён қурувчилик номини шарафлаб келаётган «Сифат» ҳиссадорлик жамияти ишчиси Абдулла Саматов ва унинг фарзандлари электр пайвандчи Рустам, монтажчи Шавкат, ғишт терувчи Тоҳир, 19-қурилиш бошқармасидан марҳум Мелижон Содиқовнинг ўғли муҳандис Юрий, «Тажрибакор» комбинатининг 3-пардозлаш бошқармасининг дурадгори Ниғмат Раҳматуллаев ва унинг ўғиллари Анвар ва Ботир каби қурувчилар билан мулоқотлар ёшларнинг касбга бўлган меҳрини оширишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

— Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқи биз бунёдкорлар зиммасига ҳам катта масъулият юклади, — дейди шаҳар тармоқ қўмитаси раиси ўринбосари Алижон Умаров. — Биринчи галда меҳнаткашларга ишлаш учун қулай шароит, мазмунли дам олишлари учун имкониятлар яратмоқдамиз. Имтиёзли йўлланмалар кам таъминланган, кўп болали оилаларга корхона ҳисобидан бепул тарқатилаяпти. Шу кунгача уларга 4 миллион сўмлик моддий ёрдам бердик. Касалхонадан чиққан беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг ҳар бирига 5000 сўмдан моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Ортиқ САИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

«ДЎСТЛИК» ГУЗАРИ

Қумқўрғон шаҳрида кўпга ўрнак бўлаётган «Дўстлик» маҳалласида 3600 нафар фуқаро истиқомат қилади. Улар тожик, қирғиз, рус, молдован, арман, грузин, немис каби 19 миллатга мансуб кишилардир. Асосий шиор: ўзаро аҳиллик ва иноқлик амалда. Чиндан-да маҳалланинг номи исми-жисмига монанд. Эътиборлиси — маҳаллада ҳар бир тўй, юбилейлар катта тантанага айланиб кетади. Чунки, бу аҳил дўстликнинг бошида маҳалланинг тиниб-тинчимас раиси Бозорбой Ҳакимов туради.

Оқсоқолнинг ташаббуси билан маҳалла посбонлари сардори Абдуқаҳҳор Жўраев атрофига 13 нафар кўнгилли посбонлар тўпланди. Улардан Норқўчқор Ҳакимов, Ҳамроқул Жумаев, Мустафоқул Авлиёқуловлар тунда маҳалла аҳолисининг осойишталигини таъминламоқдалар.

Ҳар чоракда «Энг сариштали ҳовли», «Энг тоза ва озода кўча», «Маҳалланинг чеварлари» каби кўрик-танловлар ўтказиб турилади. Танлов ғолибларига қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилмоқда. Бундан ташқари, умумхалқ байрамларида турли тадбирлар ўтказилиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам уюштирилади.

Тумандаги 1-, 3-умумтаълим мактабларининг аълочи ўқувчиларига ҳар чоракда стипендиялар бериш одат тусига айланган.

«Дўстлик» маҳалласида тадбиркор Гулсум Мамбетова иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган фуқаро Аҳмад Қурбоновнинг 3 нафар фарзандининг суннат тўйини ўтказиб берди. Саховатпеша Салима Ҳамроева, Умар Ўтаганов кабилар кўмакка муҳтож маҳалладошларига яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

— Маҳалламизнинг Соҳибжамол Сатторова, Малика Тўрақулова, Хотишаяпти, - дейди маҳалла оқсоқоллар кенгаши раиси Б.Ҳакимов.

лида Ғаффорова каби 140 нафар хотин-қизлари 2 ёшгача ва 16 ёшгача бўлган болалари учун туман молия бўлими томонидан нафақа пуллари олишади. Фуқароларимизнинг оғирини енгил қилиш учун маҳалла ҳудудидаги 10 та хусусий дўкон ҳамда маиший хизмат шоҳобчаларида маҳалла аҳлига 50 фоизгача арзонлаштирилган нархда хизмат кўрса-

Ўктам МЕНГҚОБИЛОВ,
маҳалла посбони.

Суратда: Дўстлик маҳалла қўмитаси раиси Б.Ҳакимовнинг фуқароларни қабул қилиш пайти.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

«Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак»

ОЛАТЎНЛИК ОЛИЙҲИММАТ КИШИ

Чўлдаги катта ҳудуднинг аҳолиси олийҳиммат инсон Бободўст Эсонов ҳақида доимо илиқ сўзларни айтишади, номини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки, Бободўст ака юртдошларининг оғирини енгил қилиб келаётган, одамларнинг тўриш, турмуши учун қатор қулайликлар яратган ажойиб, изланувчан инсон.

— Юртбошимизнинг кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрликларидан руҳланиб 1997 йилда хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этдим, — дейди у. — Мақсадимиз Қашқадарё қишлоқларида ҳам тижорат ва маиший хизмат ишларини йўлга қўйиш, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириб, аҳолига арзон нархда гўшт, сут, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва мева-чева етказиб беришдан иборат эди.

Эндиликда фирманинг фаолияти анча кенгайди. Айни пайтда унинг ҳисобида сартарошхона, этикдўзлик, вулканизация, радиотелевизор таъмирлаш, электропайвандчилик, тегирмон каби 10 га яқин хизмат турлари бор. Сартарош Қаршибой Сафаров, радиотелевизор устаси Жалил Мўминов, тегирмончи Шарофиддин Омонов, электропайвандчи Раҳмон Имомов, этикдўз Элмурод Сафаров, камера ямовчи Бекзод Имомовларнинг беминнат хизматлари аҳолига манзур бўлаётир. Энг муҳими, қишлоқ фуқаролари яшаш жойларидан 40-50 километр олисликдаги туман марказига қатнаш ташвишидан қутулдилар. Бундан ташқари 20 нафар касб-ҳунарли киши иш ўрнига эга бўлди.

Ҳафтанинг жума куни «Олатўн» бозори гавжум бўлади. Бу ерда сабзавот, полиз, сут-қатиқ маҳсулотлари ва ҳар хил мева-чеваларни арзон нархда харид қилиш мумкин.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, дейдилар. Фирма жамоаси Зафар Диёр номли мактаб ва 50 ўринли қишлоқ шифохонасини оталиққа олган. Шифохонага 10 та гилам ва 100 минг сўмлик ҳар хил ускуналар олиб берилди.

Бободўст ака қишлоқда яшаётган 4 нафар уруш ва меҳнат ногиронларига ҳар ойда 5 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатади. Холмат бобо Бадалов, Қодир бобо Эшназаров, Абди бобо Хуррамов ва болаликдан ногирон Равшан Холмановлар олийҳиммат инсонни ҳамиша яхши сўзлар билан алқайдилар, ҳақига дуо қиладилар.

Яқинда Б.Эсонов яна бир хайрли ишга қўл урди. «Турон» жамоа хўжалигидан 40 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этди. Артезиан қудуқ қазилиб, чўл ерлари сув билан таъминланди. Эндиликда далаларда буғдой, сабзавот ва полиз экинлари ўстирилади, чорвачилик ривожлантирилади.

Қишлоқ маҳалла қўмитаси раиси Мамаюсуф Саиднабиевнинг таъкидлашича, Эсоновлар оиласи намунали хонадонлардан. Турмуш ўртоғи Жумагул опа Рустамова билан 5 нафар ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Бир-биридан шириншакар 5 нафар набиралари бор.

Дашт одамларининг табиати қизиқ. Юзингкўзинг демай тўғрисини айтишади. Хўжалик раиси Ёмғирчи Келдиёровдан Бободўст ака Эсонов ҳақида сўрасангиз: «Қани энди хўжалигимизда 10 нафар одам шундай бўлганида эди, ишларимиз янада ривож топиб кетарди» дейди мамнун.

Баҳром УСМОНОВ,
«Турон» жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.

«КЎКСАРОЙ» ШУҲРАТИ

«Бухородонмаҳсулотлари" уюшмасига қарашли "Кўксарой" новвойхонаси шу йилнинг етти ойи ичида 624 миллион сўм даромад қилди.

Ускуналаримиз Германияда ишлаб чиқарилган,- деди нонвойхона раҳбари Бахтиёр Сафаров "Туркистон-пресс" мухбирига. – Шу сабабли ҳар куни 35 хил нон ва нон маҳсулотлари, 15 турда ширин-шакар қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаряпмиз. Новвойхонамизнинг даромади кўпайиб, шуҳрати кундан-кунга ортиб бораётганининг сабаби эса битта - ҳалол меҳнат.

300та ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Оролбўйидаги мураккаб экологик шароитда яшаётган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида уларга моддий мадад бериш дастури асосида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси агентлиги Нукус филиали томонидан бир қанча ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур бўйича 227 та турли хил лойиҳалар 180 миллион сўмдан ортиқ маблағ билан молиялаштирилди. Пировардида 300 та янги иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, жамғарма ходимлари томонидан аҳолига пулли хизмат кўрсатишдан тушган маблағ ҳисобига Мўйноқ, Бўзатов, Қорауzак, Тахтакўпир ва Элликқалъа туманларидан 5 та аҳоли пункти фуқароларига 29,5 тонна ун тарқатилди.

Сув тақчиллиги муаммосини ҳал этишга йўналтирилган амалий чора-тадбирлар ҳам белгиланмоқда. Хусусан, «Амударё ҳавзасини қайта тиклаш» дастурини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилди. Кичик сув ҳавзалари қуриш бўйича биринчи босқич ишчи лойиҳалари якунланди. Яқин кунларда бу иншоотларни қуриш учун очиқ тендер савдоси ўтказилади.

(ЎзА).

МИРЗАЧЎЛДА БАЙРАМ

Сирдарё вилоятида Мирзачўл ўзлаштирила бошланганининг 45 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган меҳнат фахрийлари, Мирзачўлни ўзлаштиришни давом эттираётган қурувчилар шарафига байрам дастурхонлари ёзилиб, халқ сайллари ўтказилди. Янги экспонатлар билан бойиган «Мирзачўлқурилиш» меҳнат ва шоншуҳрат музейига юзлаб сирдарёликлар ташриф буюрди. Бу ерда ташкил этилган хайрия тадбирида ўнлаб корхона, фирма ва хусусий тадбиркорлар иштирок этди. Ундан тушган маблағлар Янгиердаги қариялар уйига топширилди.

«Ишонч» фош этади

«Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 20 нафар киши «Дўстлик» туман меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан жамоат ишларига жалб этилганлиги учун 16 мартдан 16 майгача бўлган даврда уларга 56 минг 360 сўм миқдорида ҳақ ёзилган эди.

«БЕКИНМАЧОҚ ЎЙИНИ» СИРИ

ёхуд Дўстлик туманида аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги айрим камчиликлар хусусида

Бироқ Халқ банкининг туман бўлимида накд пулнинг етишмаслиги сабабли Сапура Холматова, Холида Бердиқулова сингари мижозлар 12, 13 июлдагина пул олдилар, холос.

Бу — банк фаолиятида йўл қўйилган ягона камчилик эмас.

«Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича ҳам айнан шу ҳол такрорланиб, Ч.Бобоева, Х.Умарова сингари 20 нафар фуқарога ишсизлик нафақа пуллари икки ой кечикиб тарқатилди.

Хўш, нега ижрочи — туман халқ банки бўлими ҳамда буюртмачи — туман меҳнат бўлими маъмуриятлари ўртасида муросасозлик йўли тутилди? Амалдаги қонунчиликка мувофиқ буюртмачи ёки ижрочи айби билан хизмат ўз вақтида кўрсатилмаган тақдирда молиявий ёки маъмурий тартибда жазо чораси қўлланиш мумкин эди-ку.

Ана шу савол билан туман меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Суннатилло Ашировга мурожаат қилганимизда ундан бирор жўяли фикр эшитмадик.

Ушбу бўлимга шу йилнинг ўтган олти ойида 498 киши иш сўраб мурожаат қилган. Улардан 86 нафарига ишсизлик мақоми берилган бўлса-да, бугунги кунда ишсизлик нафақаси олувчилар фақат 19 кишини ташкил этади. Масалан, фуқаро Б.Ғуломбоев 5390 сўм миқдоридаги ишсизлик нафақасини ҳанузгача ололмай сарсон бўлмоқда.

Туман меҳнат бўлими томонидан ишсиз фуқароларни жамоат ишига жалб этиш, уни молиялаштириш борасида ҳали қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Жумладан, «Мевазор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 10 нафар ишсиз вақтинча жамоатчилик ишига жалб этилган бўлса-да, туман меҳнат бўлими айби билан улар меҳнати ҳанузгача молиялаштирилмагани ачинарлидир. Ахир, қишлоқ хўжалигида эртадан кечгача тер тўкиб, ойлаб ўз ҳақини ололмай саргардон бўлаётганлар аҳволидан ким хабар олади?!

20 июлда туман меҳнат бўлимида бўлиб, ғаройиб ҳолга дуч келдик.

Бошлиқ биз берган саволларнинг аксариятига аниқ жавоб беролмай, ҳужжатларни сўраганимизда у ёки бу ходимда эканлигини, улар ҳали-вери келмасликларини айтди.

Масалан, «Бандлик Дастури», туман ҳокимининг мазкур бўлимга оид қабул қилган қарорлари бошлиқ ўринбосари Бахтиёр Эшмаматовда эмиш.

Туман меҳнат бўлими бошлиғи С.Аширов билан биргаликда унинг ўринбосарини кутдик. Лекин кечгача ундан дарак бўлмади. Бундай «бекинмачоқ ўйини»нинг боисини кейинроқ билиб олдик...

Бугунги кунда 50 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Дўстлик туманида 17500 киши меҳнатга лаёқатли ҳисобланади. Туманда янги иш ўринлари яратиш, ишсизлик мақоми берилишини камайтириш борасида талай имкониятлар мавжуд бўлса-да, булар афсуски, бой берилмоқда.

Биргина иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан «Дўстлик» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти 1 миллион 800 минг сўм қарздор.

Ишга ҳалал бераётган юқоридаги каби муаммоларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Дўстлик туман ҳокимлиги аҳолини иш билан таъминлаш, уни ижтимоий ҳимоялашга оид ўзи қабул қилган муҳим ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан қатъийроқ турганида эди, бундай «бекинмачоқ ўйини»га аллақачон чек қўйилган бўлармиди?

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.



Сирдарёдаги «Бахт» бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ветеринария назорати ходимлари ҳам шу кун талаблари асосида иш юритишмоқда. Бозорга сотиш учун келтирилаётган ҳар қандай маҳсулот ветсанэкспертиза синовхонаси томонидан махсус текширувдан ўтгандан кейин сотишга рухсат берилади.

Суратда: Ветсанэкспертиза синовхонаси ходими Жанобил Ҳасанбоев маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

OLAMDA

АҚШ маъмурияти Россиянинг Шимолий Корея ва Жанубий Корея ўртасида бўлиб ўтадиган музокараларда иштирок этишини қўллаб-қувватлайди. Давлат департаменти расмий вакили Ричард Баучер Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ирнинг Москвада Россия президенти Владимир Путин билан учрашувига муносабат билдирар экан, шуни маълум қилди.

***

«Гринпис» халқаро экологик ташкилоти Вашингтон ва Лос-Анжелесда АҚШнинг ракетадан мудофаа тизимини яратиш режасига қарши норозилик намойиши ўтказди. Шунингдек, Япония ва Туркияда ҳам намойиш бўлиб ўтди. Хабарларга кўра, ташкилот аъзолари уни Хиросима шаҳрига атом бомба ташланганига 56 йил тўлиши муносабати билан уюштирган.

* * *

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Яқин Шарқдаги вазият яна кескинлашганидан жиддий ташвиш билдирди. У Фаластин айирмачиларининг террорчилик ҳаракатлари ҳамда Исроилнинг фаластинликларга қарши юргизаётган сиёсатини қоралади.

***

Ўтган душанба куни бразилиялик машҳур адиб Жоржи Амаду вафот этди. Хабарларга кўра, адиб оғир аҳволда Салвадор шаҳридаги шифохонага ётқизилган. Шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қололмаган. Ж.Амаду 89 ёшини нишонлашига атиги тўрт кун қолганида бандаликни бажо келтирди.

***

«Толибон» миршаблари Кобул шаҳрида германиялик тўрт кишини ҳибсга олди. Германия ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, қамоққа олинганлар Афғонистонда фаолият кўрсатаётган халқаро инсонпарварлик ташкилотларидан бирида ишлайди. Айни чоғда толиблар мазкур халқаро ташкилотнинг жами 24 нафар ходимини насронийликни тарғиб қилишда айблаб ҳибсда ушлаб турибди.

***

Боливия президенти Уго Бансер соғлиги ёмонлашгани боис истеъфога чиқишини маълум қилди. Хабарларга кўра, 75 ёшли президент АҚШда тиббий кўрикдан ўтаётган пайти унинг саратон хасталигига чалингани аниқланган.

***

Сомалида муваққат ҳукуматга қарши бўлган қуролли гуруҳлар иттифоқи мамлакат жанубидаги порт-шаҳар - Қисмайони босиб олди. Шаҳар генерал Моргон раҳбарлигида бир ярим мингдан ортиқ жангчи билан ишғол этилди. Хабарларга қараганда, ўзаро отишмалар чоғида ўнлаб одам қурбон бўлган.

***

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Сенегал пойтахти Дакарда бўлаётган тўртинчи халқаро ёшлар анжуманини иштирокчиларига табрик йўллади. Унда айтилишича, ҳозир жаҳонда 70 миллиондан ортиқ ёшлар ишсиз. Ишсизлик ва ОИТС хасталиги бугунги кунда дунё ёшларининг энг нозик муаммолари бўлиб қолмоқда. БМТ ҳомийлигида ўтаётган мазкур анжуманда уч юзга яқин ёшлар ташкилотидан делегациялар иштирок этмоқда.

***

Танзания парламенти биносида ОИТС хасталигини текширувчи лаборатория ташкил этилди. Энди сессияга келган депутат лабораторияга кириб ўзини тиббий кўрикдан ўтказиши мумкин. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Анна Абдуллоҳнинг айтишича, ҳозир нафақат депутатлар, балки ҳукумат вакиллари ҳам лабораторияга келиб, кўрикдан ўтмоқда.

Маълумотларга кўра, Танзанияда ҳар ўн кишидан бири ОИТСга чалинган.

***

Япония олтин захираси ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Ўтган июл ойида мамлакатнинг бу борадаги кўрсаткичи 367,68 миллиард АҚШ долларига етди. Молия вазирлигининг маълум қилишича, бир ой ичида давлат хазинаси 5 миллиард долларга бойиган.

Бойлиги жиҳатидан Япониядан кейинги ўринда евро зонасига кирувчи мамлакатлар туради.

(ЎзА).

NIMA GAP

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ ВА ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Тармоқ ходимларини, шунингдек, барча бунёдкорларни касб байрами — Қурувчилар куни билан самимий қутлайди.



Жаннатмакон ҳур Ўзбекистонимизнинг ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоғида қад ростлаётган коллеж ва академик лицей, маъмурий, маданий-маиший бинолар, қайта таъмирланаётган иншоотлар ўлкамиз кўркига кўрк қўшибгина қолмай, балки халқимиз, келажак авлодларимизнинг маънавиятини бойитишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Азамат қурувчиларимизга барча хайрли ишларида каттадан-катта муваффақият ва омадлар тилаймиз. Мустаҳкам соғлиқ, кўтаринки кайфият ҳамроҳ бўлсин!



Озод ва обод Ватанимизнинг бундан-да гуллаб-яшнаши йўлидаги барча саъй-ҳаракатларингиз ҳамиша бароридан келаверсин.



Илҳом

БАХТ

Кимлардир ҳаётдан изсиз ўтади,
Ким юрган йўлида ёндирар чироқ.
Танбаллар атрофдан нажот кутади,
Яшамоқдан мақсад ўзга-ку бироқ.

Дунё ўткинчидир — бу бор ҳақиқат,
Ҳаётнинг ёзи бор, бордир баҳори.
Кузи ҳам айланиб келади албат,
Қиш эшик чертади пойгакда ҳориб.

Куч етмас оғирроқ юмушга ортиқ,
Аммо дил истайди ўстирмоқ дарахт.
Токи соясида олсинлар хордиқ,
Раҳмат, деб кетсалар шунинг ўзи бахт.

ЖАВОБ

(ҳазил)

Танишлар учратиб тутар сўроққа,
Очиғин айтгин-чи, қаерда хизмат.
«Ҳуқуқ» ҳам қўйдими солиб қийноққа,
«Ишонч»нинг ишқида ёнасиз фақат.

Чунки ҳар иккиси ёнма-ён, бирга,
Қувончларим чексиз, завққа тўламан.
Хонадоним доим чулғаниб нурга,
Ўтган ҳаётимдан мамнун бўламан.

Карим МУХТОРОВ.

Воқеа арафасида

РАНГЛИ ЖУРНАЛ

Шу йилнинг 9-13 август кунларида Тошкентда яна бир халқаро спорт ўйинлари бўлиб ўтади. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича уюштирилган бу жаҳон чемпионати муносабати билан «WRESTLING IX» деб номланган журналнинг махсус сони босиб чиқарилди.

«Растр» қўшма корхонасида чоп этилган мазкур рангли ва безакли нашрнинг дастлабки саҳифаси халқаро FILA ташкилотининг президенти Милан Эрцеганинг ушбу катта спорт байрамига йўллаган қутлови босилган. Журналда спорт мусобақасини ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзолари, эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари рўйхати ҳамда айрим чет эллик эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон ва олимпиада чемпионларининг Ўзбекистон ҳақида билдирган ажойиб фикрлари ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Акбар АЛИЕВ.

Касаба уюшма тадбири

ТАЖРИБА АЛМАШИБ, БИЛИМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАДИЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ўқув марказида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси тизимидаги туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталари раисларининг ўқуви ташкил этилди. Икки гуруҳга бўлинган ҳолда беш кун давом этган мазкур ўқувда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят ва туманлардан 50 нафар тингловчи иштирок этди.

Ўқув машғулотлари асосан Республикамиз Президентининг Ўзбекистон касаба уюшмалари III қурултойи қатнашчиларига йўллаган мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга изчил татбиқ этишда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг ўрни, меҳнат муҳофазаси каби долзарб мавзуларга бағишланди.

М. ЎРМОНБЕКОВА.

И. ҲАСАНОВ олган сурат.

— Дўппини бундоқ бошдан олиб ўйлаб қўрсам, қишлоқда спортни ривожлантириш кони фойда экан. Аввало, киши соғлом, бақувват, умри баракали бўларкан, иккинчидан, изланишлардан, меҳнатдан қочмаса, зўр спортчи бўлиб ўз юртига шон-шуҳрат келтираркан, жамиятда текинхўрлик, безорилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик сингари бало-офатларнинг илдизига болта уриларкан ва ҳоказо...

Олис қишлоқ спорти

РАИС СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги «Озод» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Тўқлибой Тожибоев билан суҳбатлашиб қолсангиз, спортнинг аҳамиятини бармоқ букиб шундай санаб беради. Хўжалик ҳудудидаги Дўнг ва Омонтўра қишлоқларига борсангиз, унинг бу гаплари бежиз эмаслигига қаноат ҳосил қиласиз.

Кейинги йилларда Дўнг қишлоғидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ночор аҳволга тушиб қолган эди. Тўқлибой Тожибоев бошқарув раислигини қўлга олгач, туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳамда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман бошқаруви раҳбарлари билан хўжалик тасарруфидаги ушбу мактаб ишини жонлантириш хусусида маслаҳатлашди.

— Тажрибали мураббийлар топишни зиммага олсаларингиз бўлди, қолганини хўжаликнинг ўзи эплайди, — деди раис.

Эртасиданоқ ишлар юришиб кетди. 13-ўрта мактаб маъмурияти (спорт мактаби шу маскан базасида ташкил топган) учта зал, тўртта хонани, очиқ ўйингоҳ ва волейбол майдончасини қўшқўллаб тутди. Барча жиҳозлар аллақачон ошини ошаб, ёшини яшаб бўлгани боис асосан стол тенниси, миллий кураш, футбол ва боксга йўналтирилган мактаб учун салкам 3 миллион сўмлик янги спорт анжомлари сотиб олишга тўғри келди. Машғулотларга мунтазам иштирок этишга хоҳиш билдирган 250 нафар ўсмирни спорт кийими билан таъминлашни хўжалик раҳбарияти билан касаба уюшма қўмитаси ўз зиммасига олди.

Қаловини топсанг — қор ёнаркан: ҳозир икки қишлоқ ва хўжалик марказида соғломлаштириш ишлари билан шуғулланиш учун ҳамма шароит муҳайё. Фамхўрлик ўз мевасини бера бошлади. Қишлоқ спортчилари туман, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда фаол қатнашиб, совринли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда. Тўй-томошалар полвонлар курашисиз, боксчилар олишувисиз, арғамчи тортиш, югуриш, тош кўтаришсиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Спорт мактаби стол теннисчилари касаба уюшмалари спартакиадасида вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Мактаб тарбияланувчиси республика чемпиони бўлди.

Спорт оммавийлиги йўлида қилинаётган бу саъй-ҳаракатларни кўриб, баъзан ўйланиб қоласан, киши. Нега энди Булоқбоши туманидаги Улуғбек номли, Хўжаобод туманидаги «Ўзбекистон», Балиқчи туманидаги Хайрихон Эргашева номли хўжалик раҳбарлари ўз тасарруфларидаги спорт мактабларига ўгай кўз билан қарашмоқда? Нима сабабдан уларда соғломлаштиришга доир оммавий мусобақалар кам ўтказиладиган бўлиб қолди? Нега спорт кийимлари, жиҳозлар етишмайди? Бундан тўрт-беш йил илгари бутун вилоятда ном чиқарган ушбу мактабларнинг волейболчи-ю, полвонлари, футболчи ва боксчиларининг шуҳрати нега бугун сўнди? Нега энди «Озод» ширкат хўжалиги раҳбарияти жамоа шартномаси талабларини шунчалик сидқидиллик билан бажаради-ю, юқорида номи тилга олинган хўжаликларнинг раҳбарлари бу муҳим ишга панжа орасидан қарашади? Сўнгги кўринмас бу саволларнинг жавоби битта: улар спортнинг ҳаётимиздаги аҳамиятига етарлича баҳо беришолмаяпти.

Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят бошқаруви яқинда «Озод» хўжалигидаги спорт мактабида туман спорт жамиятлари раислари ва мутахассислари, спорт мактаблари директорлари, касабақўм раислари иштирокида кўргазмали семинар ўтказди. Қатнашчилар кўп нарсаларни ўрганиб қайтдилар, албатта. Лекин бизнингча, семинарга қолоқ спорт мактабларининг мутасаддилари — ширкат хўжалиги раислари ҳам таклиф этилса, айни муддао бўлур эди. Балким, шунда улар қишлоқ ҳаётида спортнинг нечоғли муҳим рол ўйнаётганини ўз кўзлари билан кўриб, кимдир раисдан ибрат олишармиди?!

М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Яқинда Тошкент туманида жойлашган «Ўзбекбирлашув» акционерлик компаниясига қарашли «Матлуботчи» оромгоҳида Оналар ва болалар йилига бағишлаб тармоқ ходимлари аёллари спартакиадасининг мингтақавий беллашуви бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг савдо тармоқларида фаолият кўрсатаётган аёллар жамоалари вакиллари стритбол, енгил атлетика, шаҳмат, шашка, волейбол, теннис каби турлар бўйича ўзаро куч синашдилар.

Қизиқарли кечган баҳсларда жиззахлик вакилларнинг қўли баланд келди. Айниқса, енгил атлетика, шашка, стритбол, волейбол бўйича уларнинг олдига тушадигани тортилмади.

Умумжамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритган ушбу жамоа вакиллари «Ўзбексавдо», умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

— Умумжамоа ғалабасини таъминлашда Александра Яковенко ҳамда Васила Аҳмеджоновалар-нинг ҳиссаси катта бўлди, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят қўмитаси раиси Турғун Кучкинов.-Ишонамизки, улар республика миқёсида бўлиб ўтадиган мусобақаларда ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Ватан саждагоҳ каби муқаддас

ЕРҚЎРҒОН

буюк фотиҳ Искандар Зулқарнайнни кўрган шаҳар

Мамлакатимиз жанубий-ғарбида, Зарафшон ва Амударё оралиғида, оқсоч Ҳисор тизма тоғлари этакларида жойлашган Қашқадарё қадимий ёдгорликлари аждодларимиз томонидан қолдирилган осори-атиқалари билан бойдир.

Ҳар гал Қарши шаҳридан Косон томон борар эканман, Ерқўрғон харобаларига яқинлашганимда қалбимни ўзгача бир туйғу чулғайди. Мозийдан қолган қадимий шаҳар тупроқларини кўзимга суртгум, ундаги сопол синиқларига тикилиб, аждодлар санъатига таҳсин айтгим келади.

Ерқўрғон Қарши-Бухоро йўлида, Насафдан ўн чақиримча нарида, унинг шимолий қисмида жойлашган.

Тарихчи олимларнинг гувоҳлик беришларича, у қадимда Навтак деб аталган. Буюк фотиҳ Александр Македонский эрамизгача 328 йил қиш ойларида Навтакда яшаб, Ҳиндистон юришларига тайёргарлик кўрган.

Тарихчи олим М.Е.-Массонинг ёзишича, бу обида қулдорлик жамияти ҳукм сурган асрларда вужудга келган ягона шаҳар қолдиғидир.

Қашқадарё тарихининг жонкуяри, тарихчи ва адабиётшунос олим, профессор Поён Равшановнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, Ерқўрғон қадимий Турон, Мавароуннаҳр, Туркистон ҳудудидаги равнақ топган шаҳарлардан биридир. Дастлаб Нашебало, Нашибо, кейинчалик Нахшаб деб юритилган.

Ерқўрғон кичик аҳоли манзилидан вилоятнинг йирик шаҳарларидан бирига айланган. Босқинчилик урушлари туфайли шаҳар бир неча бор қурилган,вайрон қилинган ва яна қайтадан тикланган.

Ҳозирги пайтда Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳардан қадимий қалъа қолдиқлари, тепаликлар сақланиб қолган. Қадимшунос олимлар М.Исомиддинов, Р.Сулаймоновларнинг 1984 йилда Тошкентдаги «Фан» нашриётида чоп этилган «Ерқўрғон» рисоласида кўрсатиб ўтилганидек, бу шаҳар эрамиздан аввалги VII-VIII асрларда йирик деҳқончилик манзилгоҳи сифатида вужудга келган.

Шаҳар харобаларидаги ҳукмдор қасри, ибодатхона ва бошқа бинолларнинг қолдиқлари қолган тепаликлар очиб кўрилганда, милоддан аввалги йилларга хос ғиштлар, сопол синиқлари, кўза ва хумлар, кигиз ва гиламдан қолган кул қолдиқлари, қурол-аслаҳалар топилган.

Ерқўрғонда 1973 йилдан бошлаб мунтазам илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Аниқланишича, чексиз чўл ўртасида, асов Қашқадарё ўзанига яқин жойлашган шаҳар қадимда Навтак деб аталган. Буюк фотиҳ Александр Македонский эрамизгача 328 йил қиш ойларида Навтакда яшаб, Ҳиндистон юришларига тайёргарлик кўрган.

Тарихчи олим М.Е.-Массонинг ёзишича, бу обида қулдорлик жамияти ҳукм сурган асрларда вужудга келган ягона шаҳар қолдиғидир.

Қашқадарё тарихининг жонкуяри, тарихчи ва адабиётшунос олим, профессор Поён Равшановнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, Ерқўрғон қадимий Турон, Мавароуннаҳр, Туркистон ҳудудидаги равнақ топган шаҳарлардан биридир. Дастлаб Нашебало, Нашибо, кейинчалик Нахшаб деб юритилган.

Ерқўрғон кичик аҳоли манзилидан вилоятнинг йирик шаҳарларидан бирига айланган. Босқинчилик урушлари туфайли шаҳар бир неча бор қурилган,вайрон қилинган ва яна қайтадан тикланган.

Ҳозирги пайтда Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳардан қадимий қалъа қолдиқлари, тепаликлар сақланиб қолган. Қадимшунос олимлар М.Исомиддинов, Р.Сулаймоновларнинг 1984 йилда Тошкентдаги «Фан» нашриётида чоп этилган «Ерқўрғон» рисоласида кўрсатиб ўтилганидек, бу шаҳар эрамиздан аввалги VII-VIII асрларда йирик деҳқончилик манзилгоҳи сифатида вужудга келган.

Шаҳар харобаларидаги ҳукмдор қасри, ибодатхона ва бошқа бинолларнинг қолдиқлари қолган тепаликлар очиб кўрилганда, милоддан аввалги йилларга хос ғиштлар, сопол синиқлари, кўза ва хумлар, кигиз ва гиламдан қолган кул қолдиқлари, қурол-аслаҳалар топилган.

Ерқўрғонда 1973 йилдан бошлаб мунтазам илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Аниқланишича, чексиз чўл ўртасида, асов Қашқадарё ўзанига яқин жойлашган шаҳар қадимда Навтак деб аталган. Буюк фотиҳ Александр Македонский эрамизгача 328 йил қиш ойларида Навтакда яшаб, Ҳиндистон юришларига тайёргарлик кўрган.

Тарихчи олим М.Е.-Массонинг ёзишича, бу обида қулдорлик жамияти ҳукм сурган асрларда вужудга келган ягона шаҳар қолдиғидир.

Қашқадарё тарихининг жонкуяри, тарихчи ва адабиётшунос олим, профессор Поён Равшановнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, Ерқўрғон қадимий Турон, Мавароуннаҳр, Туркистон ҳудудидаги равнақ топган шаҳарлардан биридир. Дастлаб Нашебало, Нашибо, кейинчалик Нахшаб деб юритилган.

Ерқўрғон кичик аҳоли манзилидан вилоятнинг йирик шаҳарларидан бирига айланган. Босқинчилик урушлари туфайли шаҳар бир неча бор қурилган,вайрон қилинган ва яна қайтадан тикланган.

Ҳозирги пайтда Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳардан қадимий қалъа қолдиқлари, тепаликлар сақланиб қолган. Қадимшунос олимлар М.Исомиддинов, Р.Сулаймоновларнинг 1984 йилда Тошкентдаги «Фан» нашриётида чоп этилган «Ерқўрғон» рисоласида кўрсатиб ўтилганидек, бу шаҳар эрамиздан аввалги VII-VIII асрларда йирик деҳқончилик манзилгоҳи сифатида вужудга келган.

Шаҳар харобаларидаги ҳукмдор қасри, ибодатхона ва бошқа бинолларнинг қолдиқлари қолган тепаликлар очиб кўрилганда, милоддан аввалги йилларга хос ғиштлар, сопол синиқлари, кўза ва хумлар, кигиз ва гиламдан қолган кул қолдиқлари, қурол-аслаҳалар топилган.

Ерқўрғонда 1973 йилдан бошлаб мунтазам илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Аниқланишича, чексиз чўл ўртасида, асов Қашқадарё ўзанига яқин жойлашган шаҳар қадимда Навтак деб аталган. Буюк фотиҳ Александр Македонский эрамизгача 328 йил қиш ойларида Навтакда яшаб, Ҳиндистон юришларига тайёргарлик кўрган.

Тарихчи олим М.Е.-Массонинг ёзишича, бу обида қулдорлик жамияти ҳукм сурган асрларда вужудга келган ягона шаҳар қолдиғидир.

Қашқадарё тарихининг жонкуяри, тарихчи ва адабиётшунос олим, профессор Поён Равшановнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, Ерқўрғон қадимий Турон, Мавароуннаҳр, Туркистон ҳудудидаги равнақ топган шаҳарлардан биридир. Дастлаб Нашебало, Нашибо, кейинчалик Нахшаб деб юритилган.

Ерқўрғон кичик аҳоли манзилидан вилоятнинг йирик шаҳарларидан бирига айланган. Босқинчилик урушлари туфайли шаҳар бир неча бор қурилган,вайрон қилинган ва яна қайтадан тикланган.

Ҳозирги пайтда Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳардан қадимий қалъа қолдиқлари, тепаликлар сақланиб қолган. Қадимшунос олимлар М.Исомиддинов, Р.Сулаймоновларнинг 1984 йилда Тошкентдаги «Фан» нашриётида чоп этилган «Ерқўрғон» рисоласида кўрсатиб ўтилганидек, бу шаҳар эрамиздан аввалги VII-VIII асрларда йирик деҳқончилик манзилгоҳи сифатида вужудга келган.

Шаҳар харобаларидаги ҳукмдор қасри, ибодатхона ва бошқа бинолларнинг қолдиқлари қолган тепаликлар очиб кўрилганда, милоддан аввалги йилларга хос ғиштлар, сопол синиқлари, кўза ва хумлар, кигиз ва гиламдан қолган кул қолдиқлари, қурол-аслаҳалар топилган.

Ерқўрғонда 1973 йилдан бошлаб мунтазам илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Аниқланишича, чексиз чўл ўртасида, асов Қашқадарё ўзанига яқин жойлашган шаҳар (эрагача бўлган II минг йиллик охири I минг йиллик биринчи чораги), учинчиси Ўрта Осиёда антик шаҳарнинг шаклланиши (эрага қадар бўлган VI-IV асрлар), тўртинчиси шаҳар қурилишида дуализм ва Ўрта Осиё — Эллин мажмуининг бошланиши (эрадан олдинги IV-II асрлар), бешинчиси Ўрта Осиё шаҳарининг юксак тараққиёт даври, (эрагача бўлган I аср-эранинг III-IV асрлари).

Ерқўрғонда бир неча йиллар давомида шаҳарнинг уйлари, ишлаб чиқариш, жамоа ва мудофаа иншоотларида 15 дан ортиқ қазув ишлари ўтказилди. Маълум бўлдики, кейинчалик бу ерда кулолчилик муттасил тараққий этган. Қадимшунос олим С.К.Кабановнинг кўрсатишича, 1948 йилда харобалардан 2 та хум, сопол буюмлар мажмуи, кулолчилик шаклларига эга бўлган ашёлар топилган.

Шаҳар обидалари орасида ибодатхона алоҳида ўринни эгаллайди. Бу мажмуа шаҳарчанинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, пирамида шаклида қурилган, деворлари 1,5 метр қалинликда бўлган. Қурилишда хом ва пишиқ ғиштлар ишлатилган. Шарққа қараган айвонида ганч билан сувалган устунлар қад кўтарган. Кулолчилик буюмлари, чироқдонлар, чироқ синиқлари сақланиб қолган.

Ерқўрғонда кулолчилик билан бирга темирчилик, тўқувчилик ривожланган. Мис тангалар зарб қилинган. Маъдан буюмлари ишлаб чиқарилган.

Ҳукмдор манзилгоҳи қаср биноси қазиб ўрганилганда у ўтмишда жуда мустаҳкам бўлганлиги аниқланди, ҳатто мис даврининг қолдиқлари ҳам топилган. Буюк Искандарнинг икки марта қалъада яшаб, куч тўплаши учун ҳақиқатан ҳам гўзал ва мустаҳкам шаҳар эканлигидан далолат беради.

Эрамизнинг VIII асрига келиб Ерқўрғон шаҳар сифатида тугайди ва аҳоли манзилгоҳи унча узоқ бўлмаган Шулликтепа ҳамда Кофиртепага кўчади.

Шулликтепа харобалари ўрнида бир вақтлар кўркам шаҳар қад кўтарган. Ерлари текис, шоли ва буғдой ўстирилган. Сермева боғ-роғлар қулф урган. Атрофидан Нахшаб ариғи оқиб ўтган ва унинг қолдиқлари яқин-яқинларгача сақланган эди.

Самарқандгача ораси уч манзил бўлган Нахшаб (ўтмишда Нашибоч деб ҳам аталган) халқи меҳнаткаш, сарбозлари жасур ва қўрқмас, мардликда донг таратган. Мўғуллар босқинига қадар Нахшабнинг маркази Шулликтепада жойлашган бўлиб, савдо-сотиқ ишларини олиб бориш учун қулай эди.

Ерқўрғон харобалари... Шаҳар қолдиқлари аждодларимиз тилсимотини бағрида пинҳон этиб ётибди. Бу ердан топилган олтин типратикан, улкан хумлар, анор суврати, ибодатхона қолдиқлари унинг мозийдан олдин Осиёнинг тенгсиз гавҳари бўлганлигидан далолат беради.

Ерқўрғон тилсимотлари... хоҳ Аҳмонийлар, хоҳ Кушонлар даврида бўлмасин, шаҳар ўлканинг сиёсий-маъмурий маркази, йирик савдо манзили сифатида донг таратган. Ана шулар ҳақида ўйлар эканмиз, аждодларимиз босиб ўтган йўл нақадар олис ва машаққатли эканлигини ҳис этасан киши.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Янгича анъаналар

Тошкентни мадҳ этувчи қўшиқлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрига бағишланган энг яхши қўшиқлар танлови эълон қилинган эди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур танлов ниҳоясига етди. Пўлат Тўраев шеъри, Рустам Абдуллаев куйи билан Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов ижро этган «Тошкент оқшоми» қўшиғи ҳамда Абдулла Орипов шеърига Баҳрулло Лутфуллаев басталаган мусиқа асосида Шаҳноза Исмоилова ижро этган «Тошкентим» қўшиғи совринли ўринларни олди.

Назокат УСМОНОВА.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Савдолар 2001 йил 9,17, 24 сентябр кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Абай ширкат хўжалигида жойлашган «Нон-Паста» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли ёрдамчи хўжалик.

Бошланғич баҳоси- 27 055 406 сўм;

2. Андижон вилояти, Асака шаҳрида жойлашган 16-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси- 20 164,9 минг сўм.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 1 соат қолганида тўхтатилади

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75 Факс: 136 06 17

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: **133; 134**
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6